«MA'QULLANGAN»
O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi huzuridagi Farmatsevtika tarmog'ini rivojlantirish agentligining «Dori vositalari, tibbiy buyumlar va tibbiy texnika ekspertizasi va standartlashtirish davlat markazi» DUK
«12» 06 2020 y. № 12

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА
ЛИВСОН
LIVSON

Препаратнинг савдо номи: Ливсон
Таъсир этувчи моддалар (ХПН): эссенциал фосфолипидлар.
Дори шакли: суспензия
Таркиби:
Ҳар 5 мл суспензия қуйидагиларни сақлайди:
фаол модда: эссенциал фосфолипидлар - 100 мг;
ёрдамчи моддалар: сиропнинг таъм асоси етарли миқдорда, сариқ квинолин бўёвчиси.
Таърифи: сариқ рангли хушбўй хидли ва ширин таъмли бир ҳил суспензия.
Фармакотерапевтик гуруҳи: гепатопротектор
АТХ коди: A05C

Фармакологик хусусиятлари
Гепатопротектор таъсири препаратнинг таркибига кирувчи компонентларнинг хусусиятлари билан боғлиқ.
"Эссенциал фосфолипидлар" – фосфатид ва тўйинмаган ёғ кислоталарининг (асосан, олеин ва линолин) диглицеридли эфирларидан иборат мураккаб моддалардир. Хужайра мембраналари ва гепатоцитлар органеллаларининг мембраналарининг муҳим таркибий элементлари ҳисобланади. Фосфолипидлар мембраналарни ўтказувчанлиги, оксидланиш фосфорланишнинг нормал жараёнларини таъминлаб, мембраналар билан боғланган ферментларнинг фаоллигини бошқаради. Препарат гепатоцитларни турли этиологияли шикастланишида фосфолипидлар биосинтези ва умумий липидлар алмашинувини нормаллаштиради. Таркибий регенерация ва оксидланиш жараёнларини рақобатли ингибирлаш йўли билан гепатоцитларнинг мембранасини тиклайди: мембраналар липидлари ўрнига тўйинмаган ёғ кислоталари токсикоген таъсирларни ўзига қабул қилиш қобилиятига эга. Жигар хужайралари регенерациясига ёрдам беради, сафронинг физик-кимёвий хусусиятларини турғунлаштиради.

Қўлланилиши
- турли этиологияли, шу жумладан қандли диабетдаги жигарни ёғли дегенерацияси;
- сурункали гепатитлар;
- жигар циррози;
- алкогол ва наркотик интоксикация (мажмуавий даволаш таркибида);
- заҳарланишлар (шу жумладан, доридан);
- гепатоцитлар фаолиятини бузилиши (бошқа касалликларда асорат сифатида);
- атроф муҳитда зарарли моддаларнинг йўл қўйиладиган миқдордан ортиб кетиши, радиацион фонни ошиши ва бошқа ноҳуш экологик омиллар билан боғлиқ гепатоцитларни шикастланиши;
- псориаз (мажмуавий даволаш таркибида) да қўлланади.

Қўллаш усули ва дозалари
Ичга, овқатланиш вақтида қабул қилинади.
Кичик ва ўрта ёшли болаларга 1 чой қошиқ (5 мл) дан кунига 2-3 марта ёки шифокор кўрсатмаси бўйича буюрилади. Даволаш давомийлиги касалликнинг тури, клиник кечиши ва беморнинг ёшига боғлиқ.

Ножўя таъсирлари
Препарат одатда яхши ўзлаштирилади.
Овқат-ҳазм қилиш тизими томонидан: кам ҳолларда қорин соҳасида дискомфорт ҳисси кузатилади.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар
Препаратга юқори сезувчанлик бўлганида қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири
Препаратни бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири таърифланмаган.

Махсус кўрсатмалар
Препаратни болалар ололмайдиган жойда сақлансин керак ва яроқлилик муддати ўтгач қўллаш мумкин эмас.

Чиқарилиш шакли
Суспензия, 60 мл дан бутилкаларда.

Сақлаш шароити
Қуруқ, салқин жойда, 15-25°С ҳароратда сақлансин.

Яроқлилик муддати
3 йил.

Дорихоналардан бериш тартиби:
Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи
Coral Laboratories Limited
Plot № . 27-28, Pharmacity, Selaqui,
Dehradun, Uttarakhand – 248197, India

Avison Pharmaceutical Pvt. Ltd., India учун ишлаб чиқарилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили
"SHAYANA FARM" МЧЖ
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 700057, Уста Ширин кўчаси, 117-уй.
Тел.: 99(871) 2281692(93/94)
Факс: 99 (871) 2281695